



**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШИ БОСҚИЧИДА
ДАЛИЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20529057>

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят процессида далилларни текшириш институтининг тарихий-ҳуқуқий генезиси ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан, хусусан, “Авесто” ва Зардуштийлик давридан бошлаб далилларни текширишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берган. Шунингдек, қиёсий таҳлил мақсадида Хаммурапи қонунларидаги “сув синови” (ордалия) ва “Авесто”даги “қасам олтин суви” маросимлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг мақсади бир хил бўлса-да, моҳияти турлича эканлиги асосланган. Мақолада VIII-XIX асрлардаги ислом ҳуқуқи ва шариат нормаларига асосланган суд тизимида иқрорлик, гувоҳлик ва қасам каби далил турларининг ўрни илмий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: Далилларни текшириш, тарихий генезис, жиноят процесси, Авесто, Хаммурапи қонунлари, ордалия, шариат, иқрор, гувоҳлик, қасам, ҳуқуқий эволюция.

Аннотация. В данной статье анализируются историко-правовой генезис и этапы развития института проверки доказательств в уголовном процессе. Автор освещает специфику проверки доказательств на территории Узбекистана с древнейших времен, в частности, периода “Авесты” и зороастризма. Также в целях сравнительного анализа сопоставляются

Contact: 99 826 99 56



“испытание водой” (ордалия) в Законах Хаммурапи и обряд “золотой воды клятвы” в “Авесте”, обосновывается, что при единстве их цели, сущность данных обрядов различна. В статье научно исследуется роль таких видов доказательств, как признание, свидетельские показания и клятва в судебной системе VIII–XIX веков, основанной на исламском праве и нормах шариата.

Ключевые слова: Проверка доказательств, исторический генезис, уголовный процесс, Авеста, Законы Хаммурапи, ордалия, шариат, признание, свидетельские показания, клятва, правовая эволюция.

Annotation. This article analyzes the historical-legal genesis and development stages of the institution of evidence examination in criminal proceedings. The author elucidates the specific features of evidence examination in the territory of Uzbekistan from ancient times, particularly starting from the period of the “Avesta” and Zoroastrianism. Furthermore, a comparative analysis is conducted between the “water ordeal” in the Code of Hammurabi and the “oath in golden water” rituals in the “Avesta,” substantiating that while their objectives were identical, their essence differed. The article scientifically investigates the role of types of evidence such as confession, testimony, and oath within the judicial system of the 8th–19th centuries, which was based on Islamic law and Sharia norms.

Keywords: Examination of evidence, historical genesis, criminal process, Avesta, Code of Hammurabi, ordeal, Sharia, confession, testimony, oath, legal evolution.

Фойдаланилган методлар: Мақолада далилларни текшириш институтининг ривожланиш босқичларини ёритишда тарихий-ҳуқуқий, қадимги манбалар (“Авесто” ва Хаммурапи қонунлари)даги исботлаш усулларини солиштиришда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, шунингдек, ислом ҳуқуқи нормаларини гуруҳлашда тизимли таҳлил ва мантиқий умумлаштириш методларидан фойдаланилган.





Кириш

Далилларни текшириш институтининг замонавий ҳолати шубҳасиз муайян тарихий-ҳуқуқий жараёнлар таъсирида шаклланиб, босқичма-босқич ривожланиб келган. Шу боис, далилларни текшириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг процессуал ва ҳуқуқий аҳамиятини чуқур англаш ва самарадорлигини ошириш, аввало, мазкур институтнинг ривожланиш эволюциясини ҳар томонлама тадқиқ этишни талаб қилади. Ҳуқуқшунослик фанлари нуқтаи назаридан далилларнинг текширилиши тарихини ўрганиш нафақат ҳуқуқий назарияни бойитади, балки амалдаги қонунчилик тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштиришда муҳим назарий ва амалий асос вазифасини ўтайди.

Далилларни текшириш институтининг замонавий ҳолати ҳуқуқшуносликда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у шубҳасиз муайян тарихий-ҳуқуқий жараёнлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида шаклланиб, узоқ даврлар давомида такомиллашиб келган. Жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий босқичларидан бири сифатида далилларни текшириш жараёни ҳақиқатни аниқлаш, суд ишларининг холислиги ва қонунийлиги кафолатини таъминлайди. Шу сабабли ушбу институтнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва унинг ҳуқуқий табиатига изчил баҳо бериш, аввало, унинг ривожланиш босқичлари ва тарихий шаклланиш жараёнини илмий таҳлил қилишни талаб этади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, бугунги кунгача сақланиб қолган маълумотлар мамлакатимиз ҳудудида қадимда мавжуд бўлган давлат тузилмаларида жиноят ва жазо муносабатларини тартибга солиш тизими милодий VII–VIII асрларга қадар асосан урф-одатлар ва анъанавий ҳуқуқ қоидалари асосида шаклланган. Шу даврда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда халқнинг турмуш тарзи, маданий анъаналар ва маънавий қадриятлар





устувор ўрин эгаллаган.[1] Айниқса, зардуштийлик дининг асосий манбаси ҳисобланган “Авесто” асосида тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.[2]

“Авесто”нинг тўртта қисми ҳозирги давргача етиб келган бўлиб, улар орасида 22 бобдан ташкил топган “Вандидод”[3] ёхуд “Вайдаивадота” сўзининг ўзбекча маъноси “Девларни узоқлаштиргувчи қонун” ёки “Девларга қарши низом”дир. асари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур китоб турли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳукмлар йиғиндисидан иборатдир.[4] Мазкур тарихий даврдан то Чор Россияси истилосигача жамият ҳаёти, аввало, одат ҳуқуқи қоидалари ҳамда ислом динининг таъсирини ўзида мужассам этган шариат нормалари орқали ҳуқуқий жиҳатдан бошқариб келинган.[5]

Жиноят ва жазо масалалари “Авесто”да очиқ ва ҳар томонлама тартибга солинган масалалардан ҳисобланган. Унга мувофиқ судда ишни кўриш тортишувга асосланган. Ишни ҳал этишдан олдин ҳуқуқбузарларнинг айбдорлиги қатор масалаларни, яъни айбдорлик шаклини – қасд ёки эҳтиётсизликни, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг айбини тан олиши, унинг диний мансублиги каби бир қатор ҳолатларга аниқлик киритилган.[6]

Мазкур масалаларни аниқлаш учун гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланилган. Гувоҳлик беришнинг маълум қоидалари – “қасам олтин суви”да қасамёд этиш тартиби ўрнатилган, ёлғон гувоҳлик берганлик учун қаттиқ жазо белгиланган.

Демак, зардуштийликда бирор-бир шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик суд томонидан кўриб чиқилиш жараёнида унинг ўз айбини тан олиши ёки унинг айбдорлиги ҳолатлари гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали исботланган. Гувоҳнинг бевосита судда кўрсатув бериши, ўз навбатида,





далилларни расмийлаштиришнинг муайян шакли сифатида намоён бўлган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фикрларга асосланадиган бўлсак, шахслар томонидан содир этилган жиноятни ҳақиқий ҳолатини тўлиқ ҳар томонлама ва ҳолисона бўлишини таъминлаш учун гувоҳларнинг берган кўрсатмалари муҳим рўл тутган ҳамда, гувоҳнинг берган кўрсатмалари далилларни текширишнинг бири кўриниши ҳисобланади. Шунингдек гувоҳнинг берган кўрсатмаларини ҳақиқатга мувофиқ келишини суд томонидан қайта кўриб чиқиши орқали далилларни текшириш мустаҳкамланган.

Хаммурапи қонунлари инсоният тарихидаги энг қадимий ҳуқуқий ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Уларнинг яратилиши Вавилон подшоҳи — Хаммурапи ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келади ва милoddан аввалги XVIII асрнинг ўрталари билан саналанади. Хаммурапи қонунномаси икки қисмдан иборат: муқаддима ва асосий қисм. Муқаддимада подшоҳ Хаммурапининг фазилатлари ва унинг одил ҳукмдор сифатидаги қиёфаси ёритилган. Асосий қисм эса 282 моддадан ташкил топган бўлиб, улар казуистик шаклда баён этилган. Яъни ҳар бир модда муайян судий ҳолат — казуснинг тавсифи орқали ифода этилган. Шу жиҳат ушбу тарихий манбанинг умумий хусусиятларини тавсифлашда алоҳида аҳамият касб этади.[7]

Агар бир киши бошқани сеҳргарлик билан айблаб, бу айбни исботлай олмаса, сеҳргарликда айбланган шахс дарёга боради ва ўша дарёга ўзига ташланиши керак. Агар дарё уни ўзига юта олмаса, яъни уни ботирса, уни айблаган киши унинг уйини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлади; акс ҳолда, агар дарё бу кишини поклаб, у жароҳатсиз қолса, уни айблаган шахс ўлдирилиши шарт; дарёга ташланган киши эса айбловчининг уйини эгаллайди.[8]

Хаммурапи қонунларида сув ордалияси далилларни текширишнинг иррационал шакли сифатида намоён бўлади. Айбловчи далил келтира олмаган ҳолларда айбдорлик ёки бегуноҳлик илоҳий кучлар ихтиёрига ҳавола қилиниб,





шахснинг сувда ботиши ёки омон қолиши ҳақиқат мезони сифатида қабул қилинган. Бу ҳолат далилларни текширишнинг тарихий илдизларидан бири бўлиб, кейинчалик ҳуқуқий тизимлар такомиллашиши билан далилларни текшириш илоҳий синовларга эмас, балки гувоҳлик, ҳужжатлар ва бошқа процессуал манбаларга таяна бошлаган.

“Авесто”да учрайдиган “қасам олтин суви” ва Хаммурапи қонунларидаги “сув синови” (ордаля суви) ўртасида муайян ўхшашликлар мавжуд бўлишига қарамасдан, улар мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқли институтлар ҳисобланади.

Фикримизча, “Қасам олтин суви” — бу кўпроқ ахлоқий-маънавий назорат механизми сифатида намоён бўлиб, гувоҳнинг кўрсатмалари тўғри ва ҳолис бўлишини таъминлашга қаратилган. Унда асосий мақсад далилларнинг ишончилигини таъминлаш, гувоҳнинг ёлғон кўрсатма бериш эҳтимолини камайтириш ҳамда уни маънавий жавобгарликка чақиришдир. Шу жиҳатдан, “қасам олтин суви” орқали далилларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва исбот жараёнининг адолатли кечишига хизмат қилувчи процессуал-ҳуқуқий восита сифатида қараш мумкин.

Хаммурапи қонунларида назарда тутилган “сув синови” эса, аксинча, кўпроқ магик-мистик ордалия усули бўлиб, шахснинг бегуноҳлиги ёки айбдорлигини табиий кучлар — сув орқали “синовдан ўтказиш” орқали аниқлашга қаратилган. Бунда асосий ғоя шундан иборатки: агар айбланаётган шахс бегуноҳ бўлса, сув уни қабул қилмайди ва у тирик қолади; агарда айбдор бўлса, сув уни чўктириб, гуноҳини “фош” қилади. Демак, “қасам олтин суви” — ишончни таъминлашга қаратилган маънавий-ҳуқуқий восита, “сув синови” эса — жисмоний ордалия орқали ҳақиқатни топишга қаратилган иррационал усул ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу икки институт тарихий жиҳатдан қаралганда, уларнинг умумий мақсади — ишда ҳақиқатни топиш ва





далилларнинг ишончилигини таъминлашдан иборат эканлигини кўриш мумкин. Фақатгина бу мақсад турли цивилизациялар томонидан турлича йўллар билан амалга оширилган.

VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар, мамлакатимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган.[9] Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган.[10] Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий суднинг раисини лавозимига тайинлаган ва уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Шу боис, мусулмон ҳуқуқига асосланган судлов юритуви тизимида суд мустақиллиги масаласи деярли фаол муҳокама қилинмаган ёки умуман долзарб масала ҳисобланмаган.[11] Қозилик суд ишларининг юритилишида эса дастлабки тергов деган тушунчалар умуман бўлмаган.[12]

Шу билан бирга, мазкур даврларда исбот жараёни ва унинг умумий талабларига оид муайян қоидалар мавжуд бўлиб, улар шариат қонун-қоидалари асосида тартибга солинган далиллар билан боғлиқ эди. Ислон суди фаолиятида “Мусулмон шахсининг ҳатти-ҳаракатлари асосан тўғрилиққа асосланган”, деган қараши устунлик қилади. Ушбу фикирга кўра, далил ва ашёлар кўрсатилмагунча, гумондор ўз айбига иқдор бўлмагунча, гувоҳлар гувоҳлик бермагунча қози ҳеч кимдан гумон қилмайди, бирор-бир ҳаракатни жиноий санаб, унга нисбатан айб қўймайди.

Мусулмон ҳуқуқида қозининг ҳузурига келган ёки келтирилган томонинг биридан ўз сўзига тўртта гувоҳ келтириши талаб қилинса, иккинчи томоннинг эса гарчи ҳеч гувоҳлик бўлмаган ҳолда ҳам, адолат юзасидан, қасам ичиб айтган сўзлари эътиборга олинади.

Қозилар шариат нормалари асосида далилларнинг уч хил турини





эътироф этишганлар ва улар қуйидагилардан иборат бўлган: а) *икрорлик*; б) *гувоҳлик*; в) *қасам*. [13]

Иқрор-тан олиш бўлиб, гумондор ўзи айбига гувоҳлар иштирокида уч маротаба иқрор бўлмагунича, унга нисбатан чора қўлланилмайди. Масалан, *Муҳаммад (с.а.в.)* нинг даврида бир аёл ҳузурига келиб, зино қилганига иқрор бўлган, мазкур аёл уч бора ўз айбига иқрор бўлганидан сўнг, унга нисбатан чора кўрилган.

Гувоҳлик. Ислонда гувоҳлик институти мукамал ишлаб чиқилди. Унга кўра, муқаддам ёлғон кўрсатма берганлиги учун жазоланган шахсларнинг гувоҳликлари фуқарорлик судларида инобатга олинмайди. Шунингдек, мусулмон бўлмаган шахсларнинг ҳам мусулмонларга қарши гувоҳликка ўтиши ноқонуний деб қаралади. Фақат мусулмон, балоғотга етган эркак ва аёлнинг гувоҳлиги инобатга олинмайди.

Қасам. Муҳаммад (с.а.в.) нинг: “Даъвогарлардан гувоҳ келтириш, гумондордан қасам ичиш талаб қилинади”, -деган кўрсатмасига асосланиб, гумондорга қасам ичирилади. Суд жараёнида гумондорга ва гувоҳларга ичириладиган қасам сўзлари мураккаб матн эмас (фақатгина лиён –эрхотиннинг бир-бирини зинода айблаб, лаънатлаб, ичадиган қасамида баъзи махсуслар бор). Қасамда асосан “валлоҳи”, деб бошланиб, сўнг шахс ўз муддаосини ёки айбсизлигини изҳор қилган. Қасам фақат Аллоҳнинг номи билан ичирилганда, қонуний ҳисобланиб, юридик оқибатни келтириб чиқаради.

Аллоҳ Қуръони карнимда суддаги баҳс-мунозарали ишларда гарчи қариндошларининг зарарига бўлса ҳам, адолат билан тўғри кўрсатма беришни буюрган. [14]

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” [15] китобида “Айбдорнинг ўз қилмишига иқрор бўлганлиги, ҳақиқатни аниқлашдаги энг яхши далил”





эканлигини баён этган. Шариат нормалари мусулмон ҳуқуқи манбаларида акс этган бўлиб, улар тўрттани ташкил этади, яъни Қуръони карим, Ҳадислар, Ижмо ва Қиёс.[16]

Юқорида баён этилган маълумотлар таҳлили шуни англатадики, ўша даврларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда далилларни текшириш институти муайян ҳуқуқий асосларга эга бўлган ҳолда шаклланиб борган. Мазкур жараёнлар қозилар ва бийлар суди томонидан амалга оширилган бўлиб, уларнинг фаолияти хон ва амирлар назорати остида ташкил этилган. Бу эса давлат ҳокимиятининг суд фаолияти устидан муайян даражадаги таъсирини намоён этганини кўрсатади. Шу билан бирга, далилларни текшириш жараёнлари асосан шариат ва одат ҳуқуқи нормаларига таянган ҳолда тартибга солинган. Қозилар, одатда, шариат қоидаларини асосий мезон сифатида қабул қилган бўлсалар, бийлар амалдаги урф-одат ва жамоа онгида қарор топган қадриятларга суянган ҳолда иш юритганлар. Натижада, далилларни текширишнинг илк шакллари ҳуқуқий ва маънавий меъёрлар уйғунлигида намоён бўлган.

Бизнинг фикримизча, тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда далилларни текшириш фақат жиноятни исботлаш воситаси эмас, балки адолатни таъминлаш ва жамиятдаги ахлоқий тартибни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам намоён бўлган. Шу нуқтаи назардан, далилларни текшириш амалиётининг илдизлари диний таълимотлар ва ижтимоий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган, деган илмий хулосага келиш мумкин.

Бугунги кунда ЖПКнинг 94-моддасида белгиланган далилларни текшириш институти — юқорида таҳлил қилинган тарихий жараёнларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, далилларни текшириш






институти шунчаки процессуал ҳаракатлар йиғиндиси эмас, балки минг йиллар давомида “Авесто”даги маънавий покланишдан тортиб, Ислом ҳуқуқидаги қатъий исботлаш мезонларигача бўлган эволюцион йўлни босиб ўтган мураккаб ҳуқуқий қадриятдир. Тарихий таҳлиллар тасдиқлайдики, ўтмишда қўлланилган “қасам” ёки гувоҳлик институтлари шакли ўзгарган бўлса-да, уларнинг туб моҳияти – ҳақиқатни аниқлаш ва адолатни таъминлашга қаратилганлигича қолмоқда.

Шу боис, далилларни текширишнинг тарихий генезисини ўрганиш – бу ўтмишга қайтиш эмас, балки миллий давлатчилик тажрибасига таянган ҳолда, замонавий жиноят процессида далиллар мақбуллиги ва ишончлилигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш демакдир. Зеро, далилларни ҳар томонлама ва холис текшириш – суд қарорининг нафақат қонуний, балки адолатли бўлишини таъминловчи олий мезондир.

REFERENCES

1. Исҳоқов С. А. “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 56.
2. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 74.
3. Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 106.
4. Рахмонов Р.И. “Авеста” – великий историко-правовой источник // Проблемы современной науки и образования. – Москва, 2013. – № 2 (16). – С. 133.
5. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т.: Фан, 1974. – С. 5; Рахмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1999. – № 3. – Б. 79.
6. Рахмонов Р.И. “Авесто” – великий историко-правовой источник //





Проблемы современной науки и образования. – М., 2013. – № 2 (16). – С. 133;
Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”,
2013. – Б. 214.

7. Законы Царя Хаммурапи Составитель: Н. Т Кудинова Хабаровск
2013. – Б.2.

8. Законы Царя Хаммурапи Составитель: Н. Т Кудинова Хабаровск
2013. – Б.17.

9. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании
преступлений.

– Т.: Фан, 1974. – С. 5; Раҳмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ–
Право–Law.

– Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 79.


10. Исламов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг
тарихий ривожланиши масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. –
№ 2. – Б. 64.

11. Исламов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг
тарихий ривожланиши масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. –
№ 2. – Б. 65.

12. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании
преступлений.

– Т.: Фан, 1974. – С. 5, Исхаков С. А. Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг
шаклланиши // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 83.

13. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ олий таълим муассаслари учун
дарслик/С.А.Исхаков, А.Р. Раҳманов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2012. Б. 164.





14. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ олий таълим муассаслари учун дарслик/С.А.Исхаков, А.Р. Раҳманов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б. 165.
15. Бурҳониддин Марғиновий. Ҳидоя. Т. 2. – Т., 1893. – Б. 2.
16. Исхаков С.А. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 41-51.

